10/08-сонли шартнома

Тошкент ш. «11» 08 2022 й.

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” маъсулияти чекланган жамияти номидан 2022 йил 29 июлдаги Тшундим №33-03-1/1006 сонли ишончнома асосида иш юритувчи дирекция директор ўринбосари Арипжанов Файзулла Абдуллаевич, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланади) бир томондан, “VALSTATEX” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Мавлянова И.М (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”, мазкур Шартномани тузиб, қуйидагиларга келишиб олдилар:

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Ижрочи ““Digital Inclusion Uzbekistan” (“Ўзбекистонда рақами инклюзия”) лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланувини ишлаб чиқиш” бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади (кейинги ўринларда Хизмат деб номланади), Буюртмачи эса Ижрочининг хизматларига мазкур Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловасида келтирилган Техник топшириқда Ижрочи томонидан Буюртмачига кўрсатиладиган хизматларга талаблари, шу жумладан ишларнинг тўлиқ рўйхати, ҳажми ва мавзуси кўрсатилган.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ижрочи томонидан кўрсатиладиган Хизматлар қиймати 1 398 000 000 (бир миллиард уч юз тўқсон саккиз миллион) сўмни ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этади.

2.2. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида Шартнома қийматининг 15% (ўн беш фоизи) миқдорида аванс Ижрочи ҳисоб рақамига тўлаб берилади.

2.3. Ижрочи Буюртмачига бажарилган ишларнинг далолатномаси тақдим этганидан 3 (уч) иш куни ичида Буюртмачига ҳисобварақ-фактурани тақдим этади.

2.4. Буюртмачи бажарилган ишни тўлаш учун Ижрочи томонидан берилган ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишларнинг далолатномаси асосида кўрсатилган Хизматлар учун тўловни қуйидаги тартибда амалга оширади:

2.4.1. Шартнома қийматининг 20% (йигирма фоизи)ни ишларни бажаришнинг 1-босқичи якунланганидан сўнг, Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишларнинг 1-сон далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

2.4.2. Шартнома қийматининг 20% (йигирма фоизи)ни ишларни бажаришнинг 2-босқичи якунланганидан сўнг, Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишларнинг 2-сон далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

2.4.3. Шартнома қийматининг 20% (йигирма фоизи)ни ишларни бажаришнинг 3-босқичи якунланганидан сўнг, Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишларнинг 3-сон далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

2.4.4. Шартнома қийматининг 25% (йигирма беш фоизи)ни ишларни бажаришнинг 4-босқичи якунланганидан сўнг, Буюртмачи томонидан ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишларнинг 4-сон далолатномаси тасдиқланганидан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Ижрочининг жорий ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Тўлов сўмда амалга оширилади. Тўлов санаси Буюртмачининг жорий ҳисобварағидан маблағлар дебетланган сана ҳисобланади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.1.1. Хизматларни ушбу Шартноманинг Иловасида келтирилган Техник топшириққа мувофиқ тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш;

3.1.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу Шартнома бўйича хизмат кўрсатишнинг шакл ва усулларини мустақил равишда аниқлаш;

3.1.3. Хизматларни бажариш учун ташкил этиладиган лойиҳа гуруҳини ушбу Шартноманинг Иловасида келтирилган Техник топшириқнинг талабларига асосан ташкиллаштириш, шу жумладан лойиҳа гуруҳи аъзолари қўйилган минимал талабларга жавоб беришини таъминлаш;

3.1.4. Хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ масалаларда Буюртмачининг мутахассис ходимлари билан боғланиш;

3.1.5. Ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини Шартномада кўрсатилган тартибда ўз вақтида тақдим этиш;



IT PARK START LOCAL & GO GLOBAL

3.1.6. Ушбу Шартномага мувофиқ тўлов тўлиқ амалга оширилганидан сўнг хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган Буюртмачи томонидан тақдим этилган маълумотларни ҳамда хизмат кўрсатиш натижасида ишлаб чиқилган маълумотларни электрон нусхаларини электрон ахборот воситаларидан учириб ташлаш, чоп этилган нусхаларини эса Буюртмачига қайтариб бериш;

3.1.7. Буюртмачининг зарарларини тўлиқ қоплаш шарти билан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш.

**3.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

3.2.1. Ижрочига ушбу Шартнома имзоланган кун давомида Хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган маълумотларни электрон ва(ёки) чоп этилган шаклда тақдим этиш;

3.2.2. Ижрочи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини Шартномада кўрсатилган тартибда ўз вақтида қабул қилиш;

3.2.3. Шартнома бўйича кўрсатилган Хизматлар учун Ижрочига ўз вақтида тўлов амалга ошириш;

3.2.4. Ижрочидан ушбу Шартнома шартларига мувофиқ хизматларни белгиланган тартибда тақдим этишни талаб қилиш;

3.2.5. Ижрочидан бажарилган ишлар далолатномаларини тақдим этишни талаб қилиш;

3.2.6. Ижрочи томонидан бажарилган ишнинг сифатини ва ушбу шартноманинг Иловасида келтирилган Техник топшириқда кўрсатилган талабларга асосан бажарилишини, унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда текшириш.

## 4. КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4.1. Тарафлар хизматларни бажарилган ишлар далолатномасини қуйидаги тартибда имзолайдилар:

4.1.1. Ижрочи, ушбу Шартноманинг Иловасида келтирилган Техник топшириқда кўрсатилган ишларни бажариш режасига асосан, Буюртмачига керакли ҳисоботларни илова қилган ҳолда имзоланган бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этади;

4.1.2. Буюртмачи, бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилингандан 5-иш кунидан кечиктирмай, Ижрочи томонидан тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш ёки шу муддат ичида далолатномани имзолашни асосланган ҳолда ёзма равишда рад этиши мумкин;

4.1.3. Агар Буюртмачи ушбу Шартноманинг 4.1.2-бандида кўрсатилган муддат ичида кўрсатилган хизматларни бажарилган ишлар далолатномасини

қабул қилмаса ёки хизматларни қабул қилмаслик бўйича асосли рад жавобини бермаса, хизматлар Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисобланади;

4.1.4. Агар Буюртмачи хизматларни қабул қилишни асосли тарзда рад этган тақдирда, тарафлар камчиликларни бартараф этиш шартлари ва муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузадилар;

4.1.5. Далолатномада акс эттирилган барча камчиликларни Ижрочи томонидан бартараф этиш якунлангач, Буюртмачи ишлаб чиқилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда хизматларни бажарилган ишлар далолатномасини асосида қабул қилади;

4.2. Хизматлар Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар далолатномасини имзолаган пайтдан бошлаб ёки ушбу Шартноманинг 4.1.3-бандида кўрсатилган ҳолатда қабул қилинган ҳисобланади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ижрочи хизматларни бажариш доирасида лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланувида қайд қилинган техник-технологик ечимлар ва қиймат параметрлари бўйича жавобгар.

5.2. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки нотўғри бажарган тақдирда тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.3. Томонлар мазкур Шартнома доирасидаги мажбуриятларини ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бажара олмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайдилар. Агар бирор Томон мажбуриятларини керакли тартибда бажариш борасида ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

5.4. Тарафларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарар миқдорини қоплайди.

5.5. Ижрочи томонидан шартномада белгиланган ишлар тўлиқ ва сифатли бажарилмаган ҳолларда, шунингдек кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Агар кўрсатилган хизматлар сифати, ушбу шартноманинг Иловасида келтирилган Техник топшириқда кўрсатилган талабларга, қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган шартларига мос келмаса, Буюртмачи ишларни ёки хизматларни қабул қилмаслиги ва уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Ижрочидан сифати бўлмаган ишлар ёки хизматлар қийматининг 15 фоизи

миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ёки хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.7. Бажарилган ишлар ёки хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 6. ШАРТНОМА МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини (ишларини) тўлиқ бажариб бўлгунга қадар амал қилади.

6.2. Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан 2022 йил 1 декабргача.

6.3. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш киритиш фақатгина ёзма тарзда уни имзолаган томонлар иштирокида ва розилигида амалга оширилади.

6.4. Шартнома ҳар бир Томоннинг ёзма розилиги ёки амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

## 7. МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган баҳслар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал этилади.

7.2. Томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кўриб чиқилади.

7.3. Томонларнинг барча даъволари ёзма равишда амалга оширилиши ва ваколатли шахслар томонидан имзоланиши керак.

7.4. Даъвони олган тараф даъво олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида бошқа тарафга асосли жавоб бериши шарт.

7.5. Агар томонлар ўзаро мақбул ечим топа олишмаса, низоли вазиятни ҳал қилиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилишлари керак.

## 8. МАХФИЙЛИК

8.1. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартноманинг матнини, шунингдек, томонларнинг бир-бирига ушбу битимни тузишда ва ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш жараёнида узатилган ва узатиладиган ахборотнинг бутун ҳажмини бошқа томоннинг махфий маълумотлари деб ҳисоблашга келишиб олдилар.

8.2. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартномани тузишда ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида эга бўлган бошқа томоннинг

махфий маълумотларини уни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз ҳеч бир усулда ошкор қилмасликни ўз зиммасига олади.

8.3. Томонлар ушбу мажбуриятга мазкур шартнома амал қилиш муддатидан сўнг 10 (ўн) йил давомида амал қиладилар, ушбу мажбуриятни ўзгартириш бўйича алоҳида келишувлар бундан мустасно.

8.4. Томонларнинг ҳар бири бошқа томонни махфий маълумотларини ошкор қилиши оқибатида кўрган барча зарарларни белгиланган тартибда тўлиқ қоплашни ўз зиммасига олади.

## 9. ФОРС-МАЖОР

9.1. Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можаролар томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва хокозолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита номаён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.

9.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон уч кун ичида бошқа томонларни форс-можор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

9.3. Агар форс-можор ҳолати шартномаси шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат талаб қилса, томонларнинг хар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Шартнома доирасида ишлаб чиқилган лойиҳанинг техник-иқтисодий асослануви ҳамда Хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқилган ҳужжатлар (маълумотлар, ўрганишлар натижалари, таҳлилий материаллар, ҳисоботлар, ҳ.з.) Буюртмачининг интеллектуал мулки деб ҳисобланади.

10.2. Ижрочига Буюртмачидан қабул қилган ва Хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқилган маълумотлардан тўғридан-тўғри ёки билвосита тижорат фойда кўриш учун фойдаланиш қатъий тақиқланади.

10.3. Шартнома шартларини бажаришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни тарафлар ўзаро ҳал этмаса, низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

10.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 асл нусҳада тузилади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**ИЖРОЧИ:**

**“VALSTATEX” МЧЖ**

***Манзил:*** Тошкент ш., Миробод т., Ойбек к., 20-уй
***Банк:*** АИКБ «Ипак Йули»
***х/р:*** 20 208 000 504 484 963 001
***МФО:*** 00444
***СТИР:*** 206 268 051
***ОКЭД:*** 70220
***Тел:*** (+998 71) 237 19 66

Мавлянова И.М.

2022 йил “11” 08

**БУЮРТМАЧИ:**

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари Технологик парки Дирекцияси” МЧЖ**

***Манзил:*** Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек т., Тепамасжид к., 4-уй
***Банк:*** АТБ «Алока банк»
***х/р:*** 20 208 000 000 966 048 001
***МФО:*** 00401
***СТИР:*** 305 975 326
***ОКЭД:*** 63 990
***Тел:*** (+ 998 71) 209 11 99

Арипжанов Ф.А.

2022 йил “11” 08

IT PARK YURIDIK BO‘LIMI

**2022 йил “___” ________**
**__-сон шартномасига**
**Илова**

**Ушбу шартномага мувофиқ,**
**Ижрочи томонидан Буюртмачига кўрсатиладиган хизматлар тўлиқ рўйхати, ишлар ҳажми ва мавзуси**

**Техник топшириқ**

# 1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

## 1.1. Глоссарий (Луғат)

| Т/Р | Қисқартма | Маъноси |
|---|---|---|
| 1 | BPO | Business Process Outsourcing (бизнес-жараёнлар аутсорсинги) |
| 2 | KPO | Knowledge Process Outsourcing (билим жараёнлари аутсорсинги) |
| 3 | ROI | Return on investment (Инвестицияни қайтариш) |
| 4 | ИКТ | Ахборот-коммуникация технологиялари |
| 5 | IT (ИТ) | Ахборот технологиялари |
| 6 | ТИА | Техник-иқтисодий асосланув |
| 7 | ТИҲ | Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб |
| 8 | ХМИ | Халқаро молия институтлари |

## 1.2. Ишларнинг тўлиқ номи ва уларнинг шартли белгилари

**Тўлиқ номланиши:**

“Рақамли Ўзбекистон” дастури доирасида амалга оширилаётган ва “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясининг биринчи фазаси сифатида “Digital Inclusion Uzbekistan” (“Ўзбекистонда Рақамли Инклюзивлик”) лойиҳасини амалга оширишнинг Техник-иқтисодий асосланувини ишлаб чиқиш

**Шартли белгилар:**

ТИАни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа, лойиҳа, ишлар

## 1.3. Буюртмачи ташкилотининг номи

**Буюртмачи:**

*Номи:* "Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси" МЧЖ
*Манзил:* Тошкент ш., Тепамасжид кўчаси, 4-уй;
*Тел.:* (+99871) 209-11-99
*Электрон почта:* info@it-park.uz
***Масъул шахс:***
Фаррух Эркинов – Масофавий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича менежер
*Тел:* +998 90 334 76 76
*Электрон почта*: f.erkinov@it-park.uz

## 1.4. Ишларни амалга оширишда асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони.

## 1.5. Режалаштирилган ишларнинг бошланиш ва якунлаш муддатлари

*Ишнинг богланиши:* Шартнома имзоланган кундан бошлаб
*Ишнинг якуни:* 2022 йил 31 октябрь

## 1.6. Ишларни расмийлаштириш ва натижаларини тақдим этиш тартиби

Бажарилган ишларнинг ҳар бир босқичи тугагандан сўнг, бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш асосида амалга оширилади.

Қабул қилиш тартиби бўйича батафсил маълумотлар ушбу техник вазифанинг 6 ва 7-бўлимларида келтирилган.

## 2. ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур лойиҳанинг мақсади Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” кенг кўламли лойиҳасини амалга оширишнинг техник-иқтисодий асосланувини ишлаб чиқишдан иборат.

Ишни амалга оширишдан асосий мақсад - умуман лойиҳанинг сўнгги нархини ва ишлаб чиқилган дастлабки молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасининг прогноз параметрларини белгилайдиган вариантларни кўриб чиқиш асосида “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга ошириш учун энг самарали техник, технологик ва ташкилий ечимни танлашни асословчи ҳужжатларни тайёрлаш бўйича тадқиқот ва таҳлилий ишларни олиб боришдан иборат.

Техник-иқтисодий асосланувнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Буюртмачи ва Жаҳон банки томонидан лойиҳани ривожлантириш нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга оширишнинг ижтимоий аҳамияти ва мақсадга мувофиқлигини асослаш;
- “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасини сифатли амалга ошириш учун зарур инвестициялар ҳажмини аниқлаш ва асослаш;
- “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасида мўлжалланаётган ишлар жамланмаси бўйича мавжуд ва режалаштирилаётган талабни таҳлил қилиш;
- “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасида назарда тутилган техник ва технологик ечимларнинг асослилигини ва нархнинг сўнгги параметрлари харажатларини аниқлаш;
- “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги ва ўзини оқлашини аниқлаш.

## 3. “ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИНКЛЮЗИВЛИК” ЛОЙИҲАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикада ахборот хизматлари бозорининг фаол ўсиши муносабати билан ахборот технологиялари бўйича мутахассисларга талаб ортиб бормоқда. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этиш мазкур муаммони ҳал этишнинг асосий шартларидан биридир.

Ахборот технологияларида мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш самарадорлигини ошириш учун кўрилаётган чора-тадбирлар, IT соҳасида давлат органлари ва тармоқ корхоналарини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади.

“Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг замонавий ёшларни ўқитиш ва кейинчалик бутун дунё Интернет ахборот тармоғи орқали ахборот хизматлари кўрсатувчи хорижий компанияларга аутсорсинг асосида ишга жойлаштиришда кўмаклашишга қаратилган.

Билим жараёнлари аутсорсинги (KPO) - бу рақобатбардошлик нуқтаи назаридан ёки компания қиймат занжирини яратишнинг ажралмас қисми бўлган маълумотлар билан боғлиқ бўлган асосий фаолиятнинг аутсорсингидир. KPO илғор таҳлилий ва техник кўникмаларни, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни талаб қилади.

Бизнес жараёнлари аутсорсинги (BPO) - бу зарурий функцияларни бажариш учун шартнома тузиш ёки аниқ бир иш жараёнини ёки ташқи хизмат кўрсатувчи жараёнларни аутсорсингга бериш амалиётидир. Хизматлар иш ҳақини ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби, телемаркетинг, маълумотларни киритиш, ижтимоий тармоқларда маркетинг, мижозларни қўллаб-қувватлаш ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

BPO персонални танлаш, молияни бошқариш ва иш ҳақини ҳисоблаш, харидларни назорат қилиш, ўқитиш ва бошқалар каби фаолият учун ишлатилиши мумкин. Персонални танлаш, кредиторлик қарзлари, харидларни бошқариш ёки турли коммунал хизматлари тўловларни қайта ишлаш каби муҳим жараёнларни аутсорсинг қилиш тез-тез ёки ҳар куни бажарилиши керак бўлган муҳим, аммо такрорланадиган вазифаларни бажаришга ёрдам беради ва асосий ваколатларга эътибор қаратиш учун ички ресурсларни озод қилади. Ташкилотлар ўз хизматларини ёки маҳсулотларини оптималлаштирсалар ва такомиллаштирсалар бизнесга эга бўлишлари ва ўз фаолиятлари кўламини кенгайтиришлари мумкин, бу эса кейинчалик даромадларни оширишга ёрдам беради.

2022 йил 4 апрель куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Жаҳон банки вакиллари билан учрашди. Учрашувда BPO ва KPO хизматларини ривожлантириш каби муҳим йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ёшларни АКТ соҳасига кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини ошириш, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш вазирлик фаолиятидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида масофавий хизматлар кўрсатиш марказларини (BPO -марказлари) ташкил этиш ва жиҳозлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ушбу дастурнинг учта асосий вазифасини белгилаб берди:

1. BPO ва KPO бозорларида янги иш ўринларини яратиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни кейинчалик ишга жойлаштириш учун тайёрлаш ва кўмаклашишни таъминлаш;

2. Техник инфратузилмани, ҳуқуқий-меъёрий ва институционал тизимларни модернизация қилиш доирасида BPO ва KPO хизматлари экспортини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

3. Рақамли брендни мустаҳкамлаш, BPO ва KPO хизматлари халқаро бозорида Ўзбекистоннинг жозибадорлигини ошириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун "Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" лойиҳасининг қуйидаги асосий таркибий қисмлари белгилаб олинди:

**1-компонент – аҳолини тайёрлаш ва иш билан таъминлаш:**

BPO соҳасида муваффақиятли ишга жойлашиш учун зарур бўлган малака даражасини ошириш мақсадида, ҳудудларда мақсадли аҳолини учун касбий (профессионал) тайёрлаш ва ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

BPO, KPO ва IT компаниялари билан ҳамкорликда даъвогарларни тайёрлаш ва синовдан ўтказишнинг касбий (профессионал) стандартларини ишлаб чиқиш. Бунда инглиз тилини сўзлашув даражасига эга бўлган даъвогарлар асос қилиб олинади;

Юқорида қайд этилган стандартга эришиш учун ҳудудий даражада мавжуд ресурс базасини (ўқитувчилар таркиби, ўқув марказлари ва бошқалар) ривожлантириш.

**2-компонент - Бизнес билан техник ва молиявий ҳамкорлик:**

Хусусий капитал билан биргаликда бизнесни ривожлантириш учун биргаликда молиялаштириш дастурини яратиш. Бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари пакетини ишлаб чиқиш, жумладан, имтиёзли кредитлаш, инвестициялар ва бошқалар.

Ушбу қарор, жумладан, бизнесдаги улуш эвазига инвестицияларни таъминлайдиган шартли "инвестиция фонди"ни яратишни назарда тутади. Инвестициялаш фақат BPO соҳасида бизнесни кейинчалик кенгайтириш ва мақсадли ҳудудлардан маълум миқдордаги даъвогарларни ишга жойлаштириш шарти билан таклиф этилади.

Бизнеснинг ўсиши ва даъвогарларни иш билан таъминлаш жадвали бажарилганда, компания давлатга тегишли улушни олдиндан белгиланган

чегирма билан сотиб олиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш вазифасини бажариб, бизнесга эгалик қилишдан чиқиб кетади ва ўзининг дастлабки сармоясини қайтаради. Ушбу компонентнинг асосий мезони – қопланадиган инвестициялар орқали бизнесни қўллаб-қувватлашдир.

Аҳолининг мақсадли қисмини иш билан таъминлаш эвазига грантлар кўринишидаги молиявий ёрдам кўрсатиш орқали хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш. BPO, KPO ва IT-компанияларига жиҳозланган биноларни лизингга ёки ижарага бериш йўли билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги балансидаги объектларни ўзгартириш (трансформация қилиш) дастурини яратиш.

**3-компонент – Ўзбекистонни жаҳон ИТ ва BPO хизматлари бозорида илгари суриш:**

BPO ва KPO хизматларининг жаҳон бозорида Рақамли Ўзбекистон рақамли брендини яратиш ва илгари суриш.

“Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- BPO ва KPO соҳаларида муваффақиятли ишга жойлашиш учун зарур бўлган кўникмалар даражасини ошириш мақсадида, ҳудудларда мақсадли аҳолини касбий (профессионал) тайёрлаш ва таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- BPO, KPO ва IT компаниялари билан ҳамкорликда даъвогарларни тайёрлаш ва синовдан ўтказиш учун касбий (профессионал) стандартларни ишлаб чиқиш. Бунда инглиз тилини сўзлашув даражасига эга бўлган даъвогар асос сифатида қабул қилинади;
- BPO ва KPO хизматлари экспортини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан, BPO марказларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва ҳуқуқий, норматив ва институционал тизимларни модернизация қилиш бўйича молиявий-ҳуқуқий воситаларни яратиш;
- Юқорида таъкидланган стандартга эришиш учун ҳудудий миқёсда мавжуд ресурс базасини (ўқитувчилар таркиби, ўқув марказлари ва бошқалар) ривожлантириш;
- BPO, KPO ва IT бозорларида янги иш ўринларини яратиш. Ёшларни, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни кейинчалик ишга жойлаштириш учун зарурий тайёргарлик ва кўмак билан таъминлаш;

- Рақамли брендни яратиш ва илгари суриш, BPO, KPO ва IT хизматларининг халқаро бозорида Ўзбекистоннинг жозибадорлигини ошириш;
- Малакалар даражасини ошириш;
- BPO ва KPO соҳаларида ишламоқчи бўлган даъвогарларни танлаш ва тайёрлашда касбий (профессионал) стандартларни ишлаб чиқиш;
- Хусусий капитал билан биргаликда бизнесни ривожлантиришда қўшма молиялаштириш дастурини яратиш;
- BPO, KPO ва IT-компанияларига жиҳозланган биноларни лизингга ёки ижарага бериш йўли билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги балансидаги объектларни ўзгартириш (трансформация қилиш) дастурини яратиш.

**“Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасининг умумий қиймати:** 50 миллион АҚШ доллари.

Лойиҳа ҳақида батафсил маълумот, ажратилган маблағларнинг таркибий қисмлар бўйича тақсимланиши, Буюртмачининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вазифалари (вазифалари ва масъулиятлари), шунингдек, лойиҳани молиялаштириш шартлари Шартнома тузилгандан кейин Ижрочига тақдим этилади.

**“Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасининг муддати:** 5 йил.

## 4. ИШЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА МОҲИЯТИ

4.1. “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги ишларнинг рўйхати

4.1.1. 1 – Компонент бўйича - Аҳолини тайёрлаш ва иш билан таъминлаш:

- Мақсадли аҳоли ўртасида ишга жойлашиш учун мавжуд салоҳият ва тайёрлик даражасини ўрганиш ва ҳисобот тайёрлаш. Тайёрлик даражаси энг юқори бўлган устувор ҳудудларни аниқлаш;
- Ҳудудлардаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун BPO ва KPO йўналишлари бўйича малака ошириш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудларнинг техник ва кадрлар билан жиҳозланишини ўрганиш ва ҳисобот тайёрлаш.
- Ушбу компонентнинг иқтисодий қопланишини таъминлаш механизмини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Уч йил давомида

иш берувчидан ҳар бир янги ходим учун комиссия тўловларини олиш дастури вариантини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

4.1.2. 2 – Компонент бўйича – бизнес билан техник ва молиявий ҳамкорлик:

- ВРО ва КРО глобал бозорини ўрганиш, энг истиқболли соҳаларни аниқлаш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва яқин 10 йил давомида ВРО ва КРО бозорини ривожлантириш учун мамлакатнинг энг катта қизиқиши бўлган соҳаларни аниқлаш;
- ВРО иштирокчиларининг маҳаллий бозорини ўрганиш, ташқи операторларни жалб қилишнинг ривожланиш йўналишлари ва потенциал ҳажмларини аниқлаш;
- Ўзбекистон бозорига ВРО иштирокчиларини жалб қилиш учун мумкин бўлган рағбатлантиришлар таҳлилини ўтказиш;
- ВРО ўйинчиларининг жисмоний инфратузилмалардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжларини, шу жумладан уларда ВРО марказларини жойлаштириш учун бинолар ва биноларнинг талаб қилинадиган хусусиятларини баҳолашни ўтказиш;
- ВРО ва КРО соҳасини ривожлантириш бўйича етакчи мамлакатларнинг ушбу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшадиган институционал ва норматив ислоҳотларни амалга ошириши юзасидан ўрганишни ўтказиш;
- Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни экспертизадан ўтказиш ва Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилувчи институционал ва меъёрий тизимларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва хусусий бизнесга қўшма инвестиция киритиш дастури бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва дастурнинг инвестиция қайтими (ROI) салоҳиятини баҳолаш;
- ВРО, КРО ва IT-марказлари сифатида қайта жиҳозлаш мақсадида, реконструкция қилинадиган объектларнинг техник инфратузилмасини ўрганиш. Тоифавий объектлар сони – учтадан кам эмас. Объектлар оператор сиғимининг турли миқёсидан келиб чиқиб (кичик/ўрта/катта) танланади.

Қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисобот шакллантириш:

  - Объектнинг географик жойлашувини таҳлил қилиш (транспортдан фойдаланиш имконияти ва бошқалар);

- Носозликларга чидамли, ташқи юқори тезликдаги алоқа каналларининг мавжудлигини таҳлил қилиш. Заруриятга қараб, кераkли параметрларга тайёргарлик кўриш нархларини дастлабки баҳолаш.
- Муҳандислик инфратузилмасининг тайёрлигини таҳлил қилиш:
  - Шу жумладан, кафолатланган энергия таъминоти;
  - Иситиш, сув таъминоти, канализация;
  - Вентиляция ва кондиционерлик;
  - Ёнғин хавфсизлиги тизимлари;
  - Жисмоний хавфсизлик тизимлари (киришга рухсатни назорат қилиш тизимлари, видео кузатув, қўриқлаш сигналлари);
- Талаб қилинадиган параметрларга тайёргарликка келтириш нархларини дастлабки баҳолаш.
- Реконструкция жараёнида архитектура - қурилиш лойиҳасига бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш.
- Заруриятга қараб, керакли параметрларга тайёргарлик кўриш нархларини дастлабки баҳолаш.
- Биноларнинг эргономик тайёргарлигини таҳлил қилиш:
  - Алоқа марказининг таркиби ва кўлам сиғимидан келиб чиққан ҳолда офисни ташкил этиш ва жойлаштириш;
  - Биноларни шовқин ўтказмайдиган қилиб жиҳозлаш зарурияти;
  - Ёритиш меъёрларига мувофиқлиги;
  - Офис мебелларининг мавжудлиги;
- Заруриятга қараб, керакли параметрларга тайёргарлик кўриш нархларини дастлабки баҳолаш.

- BPO ўйинчиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд биноларни реконструкция қилиш вариантини ва BPO марказларини жойлаштириш учун янги биноларни қуриш вариантини қиёсий баҳолаш;
- Олинган маълумотларга асосланиб, BPO марказларини яратиш зарур бўлган ҳудудларни аниқлаш, биноларни аниқлаш ва керакли лойиҳа- техник ҳужжатларини тайёрлаш.

4.1.3. 3 – Компонент бўйича. Ўзбекистонни жаҳон IT ва BPO хизматлари бозорида илгари суриш:

- ВРО ва КРО бозорларида сифатли рақамли хизматлар брендини шакллантириш бўйича илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш;
- ВРО ва КРО бозорининг юқори сифатли рақамли хизматларининг Ўзбекистон брендини шакллантириш доирасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ВРО ва КРО бозорида Рақамли Узбекистон брендини яратиш ва илгари суриш бўйича ишларнинг амалга оширилишини иқтисодий баҳолаш.

4.2. Таркибга қўйиладиган талаблар

"Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" лойиҳасининг техник-иқтисодий асоснануви қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

*I. Лойиҳанинг қисқача мазмуни;*

*Лойиҳанинг қисқача мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:*

- *Лойиҳанинг номи;*
- *Ташаббускорнинг номи;*
- *Лойиҳанинг умумий ҳисоб-китоб қиймати (АҚШ долларида ёки АҚШ доллари эквивалентида);*
- *Лойиҳанинг кўлами, шу жумладан лойиҳанинг қуввати;*
- *Ҳар бирининг нархи кўрсатилган ҳолда лойиҳа компонентлари;*
- *Лойиҳани амалга ошириш жойи (вилоят, шаҳар).*

*II. Кириш:*

Киришда лойиҳа амалга оширилиши кутилаётган мавжуд сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлим, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар, жумладан, лойиҳанинг жойи ва таъсир доирасини кўрсатиб берадиган, инфратузилма билан таъминланганлик, инвестицион муҳит ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни акс эттиришни тавсифланади.

*III. Маркетинг бўлими:*

Маркетинг бўлими лойиҳа томонидан мўлажалланган маҳсулотларга (хизматларга) мавжуд ва истиқболли (лойиҳанинг амал қилиш муддати учун) талабни дастлабки баҳолашни ўзида акс эттиради.

*Ушбу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:*

- бозордаги маҳсулот (хизматлар), шу жумладан экспорт ҳажми ва нархлари таҳлилини ҳисобга олган ҳолда талабни (унинг тенденцияларини) таҳлил қилиш;

- талабнинг миқдорий параметрларини, унинг тенденцияларини ва маҳсулот (хизматлар) нархларини ёки ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини баҳолаш ва асослашда лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий фойдасини таҳлил қилиш;
- лойиҳанинг ишлаши билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш омиллари, хом-ашё, материаллар ва бозорларини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни, уларнинг нархларини, сифати ва етказиб бериш шартларини қиёсий таҳлил қилишни, шунингдек, лойиҳанинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кўзда тутувчи лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар бозорлари ва нархларини таҳлил қилиш;
- ушбу тармоқдаги мавжуд объектларнинг ишлашини, шу жумладан, рақобатчиларни таҳлил қилиш;
- маҳсулотларни (хизматларни) сотишга кўмаклашиш бўйича тавсия этилган тадбирлар;
- лойиҳанинг ҳудуд инфратузилмаси ва саноат (турдош тармоқлар) ривожланишига таъсирини баҳолаш;
- тижорат рискларини баҳолаш, хавфнинг асосий белгиловчи омиллари, ўзгаришларнинг тахминий табиати ва доираси, хавфни камайтиришга мўлжалланган тадбирлар;
- камида 3 та компаниянинг тижорий таклифлари (прайс-листлар ва ҳ.к.) асосида сотиб олинадиган ускуналарнинг нархини асослаш;
- лойиҳанинг муҳандислик иншоотлари, яъни мавжуд транспорт кириш ва энергия, иссиқлик, сув таъминоти ва канализация воситалари, омборхона иншоотлари билан таъминланганлиги;
- фойдаланилган маълумотлар манбалари ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари.

*III. Лойиҳа тавсифи:*

*1.1. Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари*

*1.2. Лойиҳа бенефициарлари*

*1.3. Дастур концепциясининг тавсифи*

Ушбу бўлимда лойиҳа мақсадининг саноатни ривожлантириш Концепциясига мувофиқлигини асослаш, шунингдек, лойиҳа мақсадига эришишнинг барча мумкин бўлган вариантларини кўрсатиш керак, бунинг учун лойиҳанинг ҳар бир кейинги бўлимида қиёсий таҳлил ўтказилади.

Ушбу бўлимда, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш зарурати тавсифи, лойиҳанинг мақсад ва вазифалари, лойиҳанинг мамлакатда амалга

оширилаётган дастурларга мувофиқлиги, лойиҳани тайёрлаш учун асослар, лойиҳа иштирокчилари ва бошқаларни тавсифлашни кўрсатиш зарур.

*IV. Лойиҳанинг асосий параметрлари:*

*2.1. Лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий параметрлари;*

*2.2. Лойиҳа компонентлари ва лойиҳа бўйича ҳаражатлар тоифалари;*

*2.3. Лойиҳани молиялаштириш схемаси ва лойиҳани амалга ошириш механизми;*

*2.4. Натижаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш;*

Лойиҳани мониторинг қилиш ва баҳолаш тизими, шу жумладан лойиҳа учун асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) тўплами учун таклифлар бўлиши керак.

*2.5. Харид қилиш режаси;*

*2.6. Лойиҳани амалга ошириш жадвали;*

*2.7. Лойиҳа маслаҳатчилари учун дастлабки техник топшириқлар.*

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник ва иқтисодий параметрлари:

| Т/р | Кўрсаткич номланиши | Ўлчов бирлиги | Жами | Шу жумладан: | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бюджет маблағлари | Кредитлар, шу жумладан, ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари | Марказлашмаган (ўз маблағлари, тўғридан-тўғри инвестициялар |
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати | минг АҚШ доллари | | | | |
| 2. | Капитал қўйилмалар қиймати | минг АҚШ доллари | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Шу жумладан: машина ва ускуналар ЭКВда миллий валютада | минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари экв. | | | | |
| | қурилиш-монтаж ишлари | минг АҚШ доллари экв. | | | | |
| | инвестиция давридаги молиявий харажатлар | минг АҚШ доллари экв. | | | | |
| | дастлабки айланма капитал ЭКВда миллий валютада | минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари экв. | | | | |
| | бошқа харажатлар ЭКВда миллий валютада | минг АҚШ доллари минг АҚШ доллари экв. | | | | |
| 3. | Мавжуд асосий фондлар қиймати | минг АҚШ доллари экв. | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | Корхонанинг қуввати, шу жумладан: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг йиллик ҳажми мўлжалланаётган йиллик экспорт ҳажми | Тегишли ўлчов бирлигида |
| 5. | Мўлжалланаётган ишга жойлаштирилувчилар сони шундан, янги яратилаётган иш ўрни | нафар<br>нафар |
| 6. | Лойиҳанинг мўлжалланаётган ўзини қоплаш муддати* | йил |
| 7. | Инвестиция даврининг давомийлиги | ой |
| 8. | Яратилаётган ишлаб чиқариш фондларининг қиймати | минг АҚШ доллар (экв.) |
| 9. | Кредит ва бошқа қарз маблағларини сўндириш муддати | йил |

| | | |
|---|---|---|
| | шу жумладан, валютадаги қарзлар | йил |

Ушбу бўлимда лойиҳанинг мазмуни, лойиҳа қийматининг таркибий қисмлар бўйича тақсимланиши, молиялаштириш манбалари, йиллар бўйича ҳамда лойиҳа бўйича ҳаражатларнинг тоифалари кўрсатилган.

*V. Лойиҳани таҳлил қилиш ва баҳолаш*

*3.1. Техник баҳолаш*

*3.2. Лойиҳани иқтисодий ва молиявий самарадорлагини таҳлил қилиш*

*3.3. Ташаббусчининг молиявий таҳлили (займни (кредитни) қайтариш лойиҳа ташаббускори ҳисобидан тўлиқ ёки қисман кўзда тутилса, киритилади)*

*3.4. Жалб қилинган займ хизмати*

*3.5. Лойиҳа бўйича хавф-хатарлар таҳлили*

Ушбу бўлимга киритш керак:

- лойиҳанинг молиявий ва иқтисодий таҳлили натижалари (FNPV, FIRR, ENPV ва EIRRни ҳисоблаш);
- лойиҳани амалга оширишнинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш
- умумий инвестиция ҳаражатларини ҳисоблаш;
- лойиҳа босқичлари ва молиялаштириш манбалари бўйича молиялаштириш эҳтиёжларини тақсимлаш;
- дастур компонентларининг батафсил тавсифи, шу жумладан ижро муддатлари ва ҳаражатлар бюджети
- ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисоблаш (эксплуатация ҳаражатлари);
- лойиҳанинг бошқа ҳаражатларини, шу жумладан, ходимларни ўқитишни ҳисоблаш;
- иқтисодий рискларни баҳолаш ва бу рискларни минималлаштириш бўйича таклифлар;
- хизматлар таннархини ҳисоблаш ва сотишдан олинган даромадларни ҳисоблаш;
- тақсимланмаган ва соф фойданинг, пул маблағлари оқимининг йиғма ҳисоби;
- лойиҳанинг молиявий кўрсаткичларини тавсифлаш, жумладан:

- пул маблағлари оқимини йиғма ҳисоблаш;
- молиявий баҳолашнинг оддий усуллари ёрдамида лойиҳани таҳлил қилиш, шу жумладан ўзини ўзи қоплаш муддатини, оддий даромад меъёрини, қарзни қоплаш коэффициентини ҳисоблаш;
- асосий параметрлар бўйича сезувчанликни таҳлил қилиш;
- лойиҳа иштирокчиларининг ҳисобчилик ҳисобот шакллари, кредит маблағларини олувчилар бўлган лойиҳа иштирокчиларининг ҳозирги молиявий аҳволи, шу жумладан:
    - корхонанинг ликвидлигини баҳолаш;
    - корхонанинг автономлигини баҳолаш;
    - шахсий капиталнинг фойдалилигини баҳолаш;
    - мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган маблағларнинг фойдалилигини баҳолаш;
    - молиявий рискларни, рискнинг асосий омилларини, кутилаётган ўзгаришларнинг характери ва диапазонини аниқлаш, рискни камайтириш бўйича мўлжалланган тадбирларни баҳолаш.

Лойиҳанинг молиявий асосига қўйиладиган талаблар: Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, амалдаги барча солиқ ставкаларига амал қилиш зарур.

Лойиҳанинг иқтисодий асосланишига қўйиладиган талаблар: Иқтисодий асослаш, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигининг аниқ акс эттиришини, яъни умуман, тармоқ, минтақа ва миллий иқтисодий фойдани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Лойиҳанинг саноатга таъсирини, унинг иқтисодиётга ижобий таъсирини асослаш, юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий рискларни, риск даражасини ва уларни камайтириш чораларини кўрсатиш керак. Ушбу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- иқтисодий фойда ва ҳаражатларни баҳолаш, шу жумладан натижалар, оқибатлар ва таъсирларни, ҳаражатлар самарадорлиги ва беҳисоб фойдаларни, қўшимча фойда ва ҳаражатлар, қайтмайдиган ҳаражатлар, ташқи таъсирлар, лойиҳанинг билвосита фойдаларини таҳлил қилиш;
- тасдиқланган концепцияларни ижро этиш доирасида лойиҳани амалга ошириш, лойиҳани оптимал жойлаштириш билан ишлаб чиқариш кучларини, мавжуд қувватлардан фойдаланиш, шунингдек, бозор конъюнктураси ва ишлаб чиқарилган хизматлар билан ўзаро боғлиқликнинг мақсадга мувофиқлиги.

Бўлимнинг техник - технологик қисмида лойиҳани амалга оширишда турли хил технологик ечимлар акс эттирилган бўлиб, лойиҳа тузилмаси тавсифи, унинг параметрларини, таркибий қисмлар (компонентлари)ини, шунингдек, уларнинг ҳисоблаш нархини аниқлайдиган лойиҳа бўйича техник ечимлар.

Ушбу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- лойиҳани амалга оширишда турли технологик ечимларни таҳлил қилиш, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, танланган вариантни асослаш;
- лойиҳанинг жойлашуви, манбаларга ва етказиб берувчиларга, хизматлар истеъмолчиларига, географик хусусиятларига нисбатан жойлашувини лойиҳанинг жойлашув жойини танлашни асослаб беради;
- лойиҳа қувватининг ҳисобий асосланишини, лойиҳа қувватининг ўзлаштириш динамикасини белгиловчи лойиҳанинг кўлами;
- техник рискларни, рискнинг асосий омилларини, кутилаётган ўзгаришларнинг характери ва диапазонини аниқлаш, рискни камайтириш бўйича мўлжалланган тадбирларни баҳолаш.

Лойиҳавий ва техник ечимларни танлашда фақатгина шундай ечимлар танланадики, у атроф-муҳитга энг кам салбий таъсир кўрсатадиган ва катта ижтимоий-иқтисодий таъсирга эга бўлган ечимлар танланади.

*VI. Ижтимоий жиҳатлари*

Ижтимоий бўлимда лойиҳанинг ижтимоий жиҳатлари ва бенефициарлари бўйича лойиҳани амалга оширишнинг фойдалари акс эттирилган. Ушбу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- лойиҳанинг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжи ва унинг аҳоли бандлигига таъсири;
- ишчилар ва мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастури;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги меъёрлари;
- ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг, мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва уларни оптимал жойлаштириш доирасида ижтимоий соҳада тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш ва “бошқа тармоқлар” Концепцияларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти;

*VII. Институционал жиҳатлари*

Институционал бўлим қонунчилик асоси, бошқарув тузилмаси ва молиявий ҳаражатларни баҳолаш тавсифи билан бутун ҳаёт цикли давомида лойиҳани бошқариш схемаларини ўз ичига олиши керак.

Лойиҳани амалга оширишда иштирокчиларнинг ўзаро таъсири, ҳаражатлар, фойда ва масъулиятни ўзаро тақсимлаш, шунингдек, институционал рисклар, риск омилларининг асосий белгиловчилари, кутилаётган ўзгаришларнинг характери ва диапазони, рискни камайтириш бўйича кутилаётган тадбирлар.

*VIII. Хулосалар*

Умумий хулосалар лойиҳанинг асосий афзалликлари ва камчиликларини, лойиҳа амалга оширишда энг оптимал вариантни танлаш мантиғининг хулосалари ва тавсифини, лойиҳа бўйича асосий рискларни, бошқа хулосаларни акс эттиради.

Шунингдек, бўлимда ушбу дастурни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асосли ва батафсил Эксперт хулосаси бўлиши керак.

*X. Иловалар*

### 4.3. Лингвистик таъминотга бўлган талаблар

"Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси, шу жумладан, унинг барча иловалари қуйидаги тилларда тақдим этилиши керак:

- ✓ Ўзбек тили;
- ✓ Рус тили.

Бунда ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги нашри асл нусха ҳисобланади.

### 4.4. Ташкилий таъминотга бўлган талаблар

Ижрочи лойиҳани сифатли амалга ошириш ва хизматларни белгиланган муддатда кўрсатишни таъминлаши керак.

Лойиҳанинг ташкилий таъминоти ходимга юкланган вазифаларни самарали бажариш учун етарли бўлиши керак. Бундай лойиҳаларни амалга оширишда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган, ушбу Техник вазифа билан танишиб чиққан ходимларга ишлашга рухсат бериш керак.

Лойиҳани амалга ошириш учун 9 кишидан кам бўлмаган лойиҳа жамоаси тузилиши керак.

Ижрочи томонидан лойиҳани амалга ошириш учун тузилган лойиҳа жамоаси аъзоларига қўйиладиган малака талаблари 5-бўлимда келтирилган.

### 4.5. Маълумотларни ҳимоя қилиш талаблари

Ижрочи ишларни бажаришда, хусусан, техник-иқтисодий асосланувни шакллантиришда Ижрочидан олинган маълумотлар ва улар асосида яратилган маълумотларнинг сақланишини, шунингдек, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тегишли босқич ҳолатига кўра таҳрирлаши ҳамда унинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Лойиҳанинг амал қилиш муддати давомида электрон шаклда сақланадиган маълумотлар электр таъминотидаги узилишлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда сақланиши керак. Маълумотлар мунтазам равишда заҳиравий нусхаланиши керак.

Лойиҳанинг амал қилиш муддати давомида қоғоз шаклида сақланган маълумотлар Ижрочига дастлабки (асл) сифатда ва миқдорида қайтарилиши учун зарур шароитларда сақланиши шарт.

Ижрочи лойиҳа тўғрисидаги маълумотларни рухсатсиз тарқатишдан, учинчи шахсларга қасддан ёки бехосдан беришдан, шикастланишдан, бузилишдан, йўқ қилишдан, ўчиришдан, йўқотишдан ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўриши керак.

### 4.6. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланувини топшириш ва Буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда техник-иқтисодий асосни келишиш ва тасдиқлашда Буюртмачи томонидан олинган мулоҳазалар ва таклифлар асосида техник-иқтисодий асосни якунлаш ва тузатиш бўйича хизматлар, ушбу Техник вазифа доирасидаги хизматлар кўрсатишнинг бир қисми ҳисобланади.

Қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин техник-иқтисодий асосланувга Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳар қандай бошқа тузатишлар ва қўшимчалар қўшимча Техник вазифа асосида амалга оширилади.

### 4.7. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини вазирликлар ва идоралар билан келишиш

Ижрочи томонидан ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосланув лойиҳасини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия

ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3857-сон қарорида белгиланган асосда ва тартибда амалга оширилади.

## 5. ИЖРОЧИГА ТАЛАБЛАР

5.1. Ижрочига умумий талаблар

Ижрочи қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- ✓ Ижрочи давлат рўйхатидан камида 10 йил олдин ўтган бўлган бўлиши керак;
- ✓ Ижрочи қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги керак;
- ✓ Ижрочи бошқа ташкилотлар билан суд ёки арбитражда бўлмаслиги керак;
- ✓ Ижрочи Буюртмачи билан суд ёки арбитражда бўлмаслиги керак;
- ✓ Ижрочи "Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестри"га киритилман бўлиши керак;
- ✓ Ижрочининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаслиги керак;
- ✓ Ижрочи лойиҳани амалга ошириш учун зарур техник, молиявий, моддий ва инсон ресурсларига эга бўлиши керак.

Ижрочига юқоридаги талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш шарт.

5.2. Ижрочининг шу каби лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига қўйиладиган талаблар

Ижрочи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ✓ ТИА/ТИҲни ишлаб чиқиш бўйича камида 5 та лойиҳани амалга ошириш тажрибасига эга бўлиши керак;
- ✓ Ижрочи маҳаллий даражада лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши керак;
- ✓ Ижрочи ХМИ томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши керак;
- ✓ Ижрочи инвестиция лойиҳалари учун ТИА/ТИҲни ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши керак;
- ✓ Ижрочи АКТ соҳасидаги лойиҳаларнинг ТИА/ТИҲни ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши керак

- ✓ Ижрочи ВРО/КРО соҳасида лойиҳа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки лойиҳада иштирок этиш тажрибасига эга бўлиши керак.

Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тажриба мавжудлигини тасдиқлаш учун Ижрочи ҳар бир лойиҳа учун қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳа номи;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳанинг суммаси;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳанинг буюртмачиси;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳанинг қисқача тавсифи;
- Керакли тажриба мавжудлигини тасдиқловчи лойиҳани амалга ошириш йиллари.

5.3. Ижрочи ходимларининг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар:

Ижрочи лойиҳани амалга ошириш учун камида қуйидаги мутахассислардан иборат лойиҳа гуруҳини тузиши керак:

*Бошқарувчи таркиб:*

1. Гуруҳ раҳбари – 1 та одам;
2. Гуруҳ раҳбарининг ёрдамчиси – камида 1 та одам.

*Эслатма: агар лойиҳа раҳбарига қўйилган талабларга мос келган тақдирда, лойиҳа раҳбари ролини қуйидаги рўйхатда «*» билан белгиланган мутахассислардан бири бажариши мумкин.*

*Соҳалар бўйича мутахассислар:*

1. ВРО/КРО соҳасидаги мутахассис* – камида 1 та одам;
2. ИТ инфратузилмани қуриш ва бошқариш бўйича мутахассис* – камида 1 та одам;
3. Молия ва иқтисодий ҳисоб-китоблар бўйича мутахассис* – камида 1 та одам;
4. Юридик таҳлил соҳасида мутахассис – камида 1 та одам;
5. Инновацион дастурларни таҳлил ва мониторинг қилиш соҳасидаги мутахассис* – камида 1 та одам;
6. Қурилиш ва таъмирлашни бошқариш соҳасидаги мутахассис - камида 1 киши;
7. Маркетинг тадқиқотлари соҳасида мутахассис* - камида 1 киши;
8. ИТ таълим соҳасида мутахассис - камида 1 киши.

Умуман олганда, лойиҳани амалга ошириш учун Ижрочи камида 9 кишидан иборат лойиҳа гуруҳини шакллантиришни таъминлаши керак.

“Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланувини ишлаб чиқиш учун Ижрочи томонидан тузилган лойиҳа гуруҳи аъзоларининг тажрибаси ва малакаси қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

1. *Гуруҳ раҳбари:*
   - ✓ 10 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ 5 йилдан ортиқ лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Давлат харидлари соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Лойиҳа гуруҳларини бошқариш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Халқаро ташкилотларда, шу жумладан ХМИларда ишлаш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ ХМИ томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар учун лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Давлат харидлари тизимида ишлаш бўйича сертификатларнинг мавжудлиги;
   - ✓ Инглиз тилини билиш, рус ва ўзбек тилларида лойиҳа ҳужжатларини ёзиш тажрибасига эга бўлиши.

2. *Гуруҳ раҳбари ёрдамчиси:*
   - ✓ 7 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ 3 йилдан ортиқ лойиҳа гуруҳларини бошқариш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Бошқарув соҳасида сертификатларнинг мавжудлиги;
   - ✓ Консалтинг соҳаси, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ва (ёки) ХМИ томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича тажрибага эга бўлиши;
   - ✓ Лойиҳа олди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инглиз тилини билиши, рус ва ўзбек тилларида лойиҳа ҳужжатларини ёзиш тажрибасига эга бўлиши.

3. *BPO/KPO соҳасидаги мутахассис:*
   - ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;

- ✓ 3 йилдан ортиқ алоқа-марказида ва (ёки) BPO/KPO ташкилотларида бизнес жараёнлари ва иш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- ✓ Алоқа-марказлари ва (ёки) BPO/KPO ташкилотлари ишининг самарадорлиги ва молиявий таҳлилини баҳолаш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Алоқа марказларини ривожлантириш бўйича ва (ёки) BPO/KPO ташкилотларини Халқаро бозорга олиб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Инглиз тилини билиш, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибасига эга бўлиши;
- ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашиш, BPO/KPO соҳалардаги форумлар ва йирик профессионал тадбирларда иштирок этиш ёки тегишли соҳаларда иштирок этганлиги мамнуният билан қабул қилинади;
- ✓ Бизнес ёки тегишли соҳаларда билимга эга бўлиши мамнуният билан қабул қилинади.

4. *ИТ инфратузилмасини қуриш ва бошқариш бўйича мутахассис:*
   - ✓ 7 йилдан ортиқ иш тажрибаси;
   - ✓ 3 йилдан ортиқ ИТ хизматларини режалаштириш, ва (ёки) жорий этиш, ва (ёки) таъминлаш, ва (ёки) ишлашни такомиллаштириш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ АТ учун масъул бўлимларда ёки ИТ компаниясида раҳбарлик лавозимида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Компаниянинг ИТ-га бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва ривожланишнинг стратегик йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ АТ инфратузилмасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажрибага эга бўлиши;
   - ✓ Серверлар ва сервер ускуналарининг узлуксиз ва муаммосиз ишлашини таъминлаш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ ИТ-компаниялар учун ускуналар, дастурий таъминот танлаш бўйича иш тажрибасига эга бўлиши
   - ✓ Инглиз тилини билиши, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси;
   - ✓ Сертификатларнинг мавжудлиги, тренинглар ва семинарларда қатнашганлиги, ИТ ёки тегишли соҳалардаги форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашганлиги мамнуният билан қабул қилинади;

- ✓ ИТ ёки шунга ўхшаш соҳаларда билимга эга бўлиши мамнуният билан қабул қилинади.

5. *Молия ва иқтисодий ҳисоб-китоблар соҳаси бўйича мутахассис:*
   - ✓ 7 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Молия ва иқтисодий ҳисоблаш соҳасида 3 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Молия ва(ёки) иқтисодий консалтинг ва(ёки) соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлиши;
   - ✓ Молия/инвестиция/иқтисодий ҳисоблаш соҳаларида бошқарув лавозими иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Халқаро инвестиция/молия/иқтисодиёт ташкилотларида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инглиз тилини билиши, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ Сертификатларнинг мавжудлиги, тренинглар ва семинарларда қатнашганлиги, ижтимоий илм-фан ва молия ва иқтисодий ёки тегишли соҳалардаги форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашганлиги мамнуният билан кутиб олинади;
   - ✓ Молия ва иқтисодиёт ёки шунга ўхшаш соҳаларда билимга эга бўлиши мамнуният билан қабул қилинади.

6. *Юридик таҳлил соҳасида мутахассис:*
   - ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Банк соҳасида консалтинг бўйича, ва(ёки) инвестиция, ва(ёки) молия, ва(ёки) солиқ ҳуқуқи бўйича иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш бўйича иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инглиз тилини билиши, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси;
   - ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашиш, ҳуқуқшунослик ёки тегишли соҳалардаги форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашгани мамнуният билан кутиб олинади;

- ✓ Юриспруденция ёки тегишли соҳаларда билими бўлса мамнуният билан қабул қилинади.

7. *Инновацион дастурларни таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш бўйича мутахассис:*
   - ✓ 7 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ 3 йилдан ортиқ молиявий диагностика ва бизнес-режалаштириш бўйича консалтинг соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инвестиция соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Лойиҳа олди ва (ёки лойиҳа ҳужжатларини) ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ ХМИларда ёки ХМИ томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларда иш тажрибасига эга бўлиши;
   - ✓ Инвестиция лойиҳаларини бошқариш соҳасида тренинглар ва (ёки) семинарларда иштирок этганлик тўғрисидаги сертификатининг мавжудлиги;
   - ✓ Инглиз тилини билиш, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси;
   - ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашган бўлиши, молия ва иқтисод соҳасидаги форумлар ва йирик профессионал тадбирларда иштирок этиш, инновацион дастурлар ёки тегишли соҳаларни таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш бўйича бўлган бўлса мамнуният билан қабул қилинади;
   - ✓ Молия ва иқтисод ёки тегишли соҳаларда таълим олган бўлса мамнуният билан қабул қилинади.

8. *Қурилиш ва таъмирлаш ишларини бошқариш соҳасида мутахассис:*
   - ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ 3 йилдан ортиқ қурилиш ва таъмирлаш ишларини бошқариш соҳасида иш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ Лойиҳа олди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича иш тажрибаси бўлса;
   - ✓ Инглиз тилини билиши, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси;
   - ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашиш, қурилиш ва таъмирлаш ишлари ёки тегишли соҳаларда форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашган бўлса ҳам мамнуният билан қабул қилинади.

- ✓ Қурилиш соҳасида ёки тегишли соҳаларда билими бўлса мамнуният билан қабул қилинади.

9. *Маркетинг тадқиқотлари соҳасида мутахассис:*
   - ✓ 7 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ Маркетинг тадқиқотлари соҳасида 3 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ Хизматларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича иш тажрибаси бўлиши;
   - ✓ Инглиз тилини билиш, ўзбек ва рус тилларида ҳужжатлар ёзиш тажрибаси;
   - ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашиш, маркетинг ёки тегишли соҳаларда форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашган бўлса ҳам мамнуният билан қабул қилинади.
   - ✓ Маркетинг ёки тегишли соҳаларда таълимга эга бўлса ҳам мамнуният билан қабул қилинади.

10. *ИТ таълим соҳасида мутахассис:*
    - ✓ 5 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
    - ✓ ИТ таълим соҳасида 3 йилдан ортиқ иш тажрибаси бўлиши;
    - ✓ Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тажрибаси;
    - ✓ Ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш тажрибаси;
    - ✓ Сертификатларга эга бўлиш, тренинглар ва семинарларда қатнашиш, ИТ таълим соҳаларда форумлар ва йирик профессионал тадбирларда қатнашган бўлса ҳам мамнуният билан қабул қилинади.
    - ✓ Маркетинг ёки тегишли соҳаларда таълимга эга бўлса ҳам мамнуният билан қабул қилинади.

Ижрочи лойиҳа жамоаси аъзоларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш учун уларнинг резюмеларини тақдим этиши шарт.

## 6. ИШНИНГ ТАРКИБИ ВА МОҲИЯТИ

Техник-иқтисодий асос бўйича ишлар тўртта асосий босқичга бўлинади:

*1-босқич* доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- BPO бозорини ўрганиш, бизнес ва иқтисодий салоҳиятни ва мақсадли географик ва хизмат кўрсатиш сегментини аниқлаш;

- Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш ва мамлакатда ВРО, КРО ривожланишига ҳисса қўшадиган институционал ва меъёрий-ҳуқуқий тизимларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Дастурни амалга ошириш учун инфратузилма салоҳиятини таҳлил қилиш;
- Дастурнинг ижтимоий-экологик таҳлили ва таҳлил натижалари билан ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш.

*2-босқич* доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Дастурнинг барча учта асосий компоненти учун концепцияни батафсил ишлаб чиқиш. Иқтисодий ҳисоб-китоблар, молиявий таҳлил, лойиҳанинг фойдалилиги, иқтисодий рискларни баҳолаш.

*3-босқич* доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Якуний ҳужжатни тайёрлаш, техник-иқтисодий асосни тақдим этиш.

*4-босқич* доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- Ижрочининг илтимосига кўра, техник-иқтисодий асосни келишишни ташкиллаштирадиган вазирлик ва идораларнинг мулоҳазалари асосида техник-иқтисодий асосни якунлаш (таклиф ва мулоҳазалар мавжуд бўлса). Таклиф ва мулоҳазалар мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли вазирлик ва идораларнинг таклиф ва мулоҳазалар йўқлиги тўғрисидаги хатлари асосида лойиҳада бажарилган ишлар ва тугалланганлиги тўғрисидаги далолатномани имзолаш.

Лойиҳани амалга ошириш жадвали қуйи босқичлар ва муддатлар тафсилотлари билан қуйида келтирилган.

**Ишларни амалга ошириш жадвали:**

| Т/Р | Ишларнинг номи ва моҳияти | Бажариш муддатлари | Масъул | Босқич нима билан тугайди |
|---|---|---|---|---|
| **1-Босқич** | | | | |
| 1.1. | Техник-иқтисодий асосланувни тайёрлаш учун маълумот бериш | Шартномани имзолаган кунда | Буюртмачи | Ижрочи томонидан ўрганиш учун мавжуд ҳужжатлар тўпламини етказиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.2. | 1-Босқич | Шартномани имзолагандан сўнг 7 иш кунида | Ижрочи | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни киритиш |
| 1.3. | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни киритгандан сўнг 1 иш куни | Буюртмачи | Тўлиқ бўлмаган тақдирда такомиллаштир -иш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш |
| 1.4. | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни охирига етказиш | Эътирозлар олингандан сўнг 1 иш куни | Ижрочи | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни қайта киритиш |
| 1.5. | 1-босқичнинг якунланиши | 1-босқич бўйича ҳисоботни якунлагандан сўнг | Буюртмачи, Ижрочи | 1-босқич бўйича қилинган ишлар далолатномаси ни имзолаш |
| **2-Босқич** | | | | |
| 2.1. | 2-Босқич | 1-босқич бўйича бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан кейин 7 иш куни | Ижрочи | 2- босқич Якуни бўйича ҳисоботни киритиш |
| 2.2. | 2- босқич Якуни бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш | Киритгандан кейин 1 иш куни | Буюртмачи | Тўлиқ бўлмаган тақдирда такомиллаштир иш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш |
| 2.3. | 2- босқич Якуни бўйича ҳисоботни охирига етказиш | Эътирозлар олингандан кейин 1 иш куни | Ижрочи | 1- босқич Якуни бўйича ҳисоботни қайта киритиш |
| 2.4. | 2-босқични якунлаш | 2-босқич бўйича ҳисоботни охирига | Буюртмачи, Ижрочи | 2-босқич бўйича Бажарилган ишлар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | етказгандан кейин | | далолатномаси ни имзолаш |
| **3-Босқич** | | | | |
| 3.1. | 3-Босқич | 2-босқич бўйича Бажарилган ишлар далолатномаси ни имзолагандан сўнг 7 иш куни | Ижрочи | 3-Босқич якуни бўйича ҳисоботни киритиш |
| 3.2. | 3-Босқич якуни бўйича ҳисоботни кўриб чиқиш | Киритгандан кейин 1 иш куни | Буюртмачи | Тўлиқ бўлмаган тақдирда такомиллаштир иш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш |
| 3.3. | 3-босқич якунлари бўйича ҳисоботни якунлаш | Эътирозлар олинганидан кейин 1 иш куни | Ижрочи | 3-босқич якунлари бўйича ҳисоботни қайта киритиш |
| 3.4. | 3-босқич якуни | 3-босқич бўйича ҳисоботни тўлиқ бажарилгандан сўнг | Ижрочи | 3-босқич бўйича Бажарилган ишлар далолатномаси ни имзолаш |
| **4-Босқич** | | | | |
| 4.1. | Техник-иқтисодий асосланувни қонун ҳужжатларига мувофиқ вазирликлар ва идоралар билан келишиш | Тўлиқ ҳужжатлар тўпламини олгандан кейин | Буюртмачи | Техник-иқтисодий асосни вазирликлар ва идоралар билан келишиш учун киритиш |
| 4.2. | Агар эътирозлар ва тавсиялар мавжуд бўлса: Техник-иқтисодий | Эътирозларни олгандан кейин 3 иш куни | Ижрочи | Қайта кўриб чиқилган ҳужжатлар тўпламини етказиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | асосланувни қайта ишлаш | | | |
| 4.3. | Эътирозлар ва тавсиялар бўлмаса: Лойиҳани якунлаш | Тегишли вазирлик ва идоралардан техник-иқтисодий асосланувни тасдиқлаш хати олингандан кейин 3 иш куни ичида | Буюртмачи, Ижрочи | 4-босқич бўйича ишни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ни имзолаш |

## 7. ИШЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ишлар энг яхши таклифларни саралаш натижалари бўйича тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Ижрочи томонидан ишларни сифатли бажариш учун Буюртмачи:

- Жаҳон банки ва (ёки) бошқа томонлардан олинганидан кейин Ижрочи томонидан ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этади;
- Ишларни бажариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса ёки уларга ўзгаришлар киритилса, ушбу маълумот тўғрисида Ижрочини хабардор қилади;
- Ишларни бажариш учун зарур бўлган сўровлар ва жойларга ташриф буюриш, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказишда ёрдам беради;
- Лойиҳа учун бажарилган ишлар самарадорлигини (KPI) баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Ижрочи ишларни амалга ошириш доирасида:

- Буюртмачига манфаатдор ташкилотлар ва Жаҳон банки вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, ўрганишлар учун аҳоли пунктлари ва объектларни чикишни ташкиллаштирда ёрдам кўрсатиши учун сўров юбориши мумкин;
- Буюртмачидан ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни, шу жумладан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сўраши мумкин;
- Етакчи халқаро, хорижий консалтинг компаниялари, илмий-тадқиқот институтлари ва/ёки тармоқ уюшмалари ва илмий экспертлар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи ишлаб

чиқарувчилар ва интеграторлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин (Буюртмачи билан ёзма равишда келишилган ҳолда).

Ижрочи ва давлат органлари, учинчи компаниялар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва маълумотлар алмашинуви Буюртмачи орқали амалга оширилади.

Иш самарадорлигини таъминлаш учун Буюртмачи, Ижрочи ва бошқа манфаатдор шахслар вакиллари ва мутахассислари орасидан алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

## 8. ИШЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Лойиҳанинг тайёрланган техник-иқтисодий асосланувини Ижрочига 2 та чоп этилган шаклда ва 1 нусхада электрон шаклда тақдим этилиши керак. Маълумотлар ҳажмига қараб, лойиҳанинг бўлимлари битта китобга бирлаштирилиши ёки алоҳида китоблар сифатида жойлаштирилиши мумкин.

Юқоридаги ҳужжатлар тўплами ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши керак.

Буюртмачи томонидан Ижрочига чоп этилган шаклда бериладиган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланувини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган барча дастлабки ҳужжатлар қайтарилиши ва электрон шаклда - қайтарилиши ва Ижрочининг мосламаларидан ўчирилиши керак.

Ишларни топшириш ва қабул қилиш босқичма-босқич, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Қабул қилиш натижалари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси имзоланади.

| ИЖРОЧИ: | БУЮРТМАЧИ: |
|---|---|
| “VALSTATEX” МЧЖ | “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари Технологик парки Дирекцияси” МЧЖ |
| ***Манзил:*** Тошкент ш., Миробод т., Ойбек к., 20-уй<br>***Банк:*** АИКБ «Ипак Йули»<br>***ҳ/р:*** 20 208 000 504 484 963 001<br>***МФО:*** 00444<br>***СТИР:*** 206 268 051<br>***ОКЭД:*** 70220<br>***Тел:*** (+998 71) 237 19 66 | ***Манзил:*** Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек т., Тепамасжид к., 4-уй<br>***Банк:*** АТБ «Алока банк»<br>***ҳ/р:*** 20 208 000 000 966 048 001<br>***МФО:*** 00401<br>***СТИР:*** 305 975 326<br>***ОКЭД:*** 63 990<br>***Тел:*** (+ 998 71) 209 11 99 |
| _____________ Мавлянова И.М. | _____________ Арипжанов Ф.А. |
| 2022 йил “11” 08 | 2022 йил “11” 08 |